

**Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини Бандлик ва
мехнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида аккредитация қилиш тартиби
тўғрисида
НИЗОМ**

1. Умумий қоидалар

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари фаолиятини ўз вақтида ва холисона ёритиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакиллари **Бандлик ва меҳнатмуносабатлари вазирлиги** ҳузурида аккредитация қилинади.

2. Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакилларининг (кейинги ўринларда “мухбирлар” деб аталади) ҳуқукий мақоми ва касб фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур Низом ҳамда аккредитация қиладиган органларнинг низомлари билан белгиланади.

11. Аккредитация қилишнинг асосий тушунчалари ва принциплари

3. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

мухбир — меҳнат шартномалари ва бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари таҳририятлари учун хабарлар ва материалларни қидириш, тўплаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш касби билан шуғулланадиган жисмоний шахс;

аккредитация — мухбирнинг ваколатларини давлат ҳокимияти органлари томонидан эътироф этиш тартиботи бўлиб, унинг натижаларига кўра аккредитация қиладиган орган аккредитация қиладиган органнинг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун оммавий ахборот воситаси (кейинги ўринларда «таҳририят» деб аталади) вакилининг ўз соҳасини билишини тасдиқловчи аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани беради;

аккредитация қилувчи орган — аккредитация тартиботини ташкил этадиган, аккредитацияни ўтказадиган вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари.

4. Аккредитация уни ўтказишга жалб этилган мутахассисларнинг ўз ишини пухта билиши ва муҳбирларнинг мустақиллиги принципларига асосланади.

Аккредитацияни ўтказишда ўз ишини пухта билиш, кадрларни тегишли равища танлаш, аккредитация тартиботида қатнашадиган экспертларни тайёрлаш тизими ва зарурият бўлганда, билимларнинг алоҳида соҳалари бўйича мутахассисларни жалб этиш йўли билан таъминланади.

5. Муҳбирнинг аккредитация қилинишида унинг ўз ишини пухта билишини аниқлаш мезони аккредитация қиладиган орган ва оммавий ахборот воситалари вакили фаолиятининг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда, мазкур органнинг норматив хужжатлари билан белгиланади.

6. Аккредитация қиладиган орган ҳузурида ўз муҳбирини аккредитация қилиш ҳукуқига расмий равища Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган оммавий ахборот воситалари эгадир.

III. Муҳбирларни аккредитация қилиш

7. Бандлик ва меҳнатмуносабатлари вазирлиги ҳузурида оммавий ахборот воситаси муҳбирини аккредитация қилиш учун таҳририят ўзининг расмий бланкасида бош муҳаррирининг имзоси қўйилган, муҳр билан тасдиқланган буюртманома тақдим этади.

8. Тахририятнинг буюртманомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
оммавий ахборот воситасининг номи ва тури;
ихтисослашуви;
тарқалиш худуди;

электрон почта манзили;
тахрииатнинг телефонлари ва факслари рақамлари;
аккредитацияга тақдим этилган мухбирнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
касб вазифаларини бажариш учун ушбу мухбир ўзи билан бирга олиб юриши зарур бўлган аппаратлар.

Буюртманомага батафсил маълумотлар (мухбирнинг хизмат мавқеи, паспортига оид маълумотлар, дипломи нусхаси, электрон почта манзили, телефон ва факс рақами) мавжуд бўлган маълумотнома ҳамда белгиланган шаклдаги тўртта фотосурат илова қилинади.

9. Мухбирни аккредитация қилиш тўғрисидаги буюртманома вазирлик томонидан тегишли мурожаат олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида кўриб чиқилади.

10. Аккредитация қилинадиган мухбирлар сони таҳририят томонидан вазирлик биргаликда белгиланади.

11. Аккредитация тартиботи қуидаги асосий тадбирлардан иборат бўлади:

буюртманомани ва тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиш;

мухбирларни аттестациядан ўтказиш;

аккредитация қилиш тўғрисида ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш ва бериш.

12. Оммавий ахборот воситаси таҳририяти томонидан тақдим этилган буюртманомалар ва хужжатларни кўриб чиқишни вазирилк хузуридаги маҳсус эксперт гурӯҳи амалга оширади. Хужжатларни кўриб чиқиш натижалари ариза тушган пайтдан бошлаб ўн кун муддатда эксперт хulosаси билан расмийлаштирилади.

13. Аттестацияни вазирлик хузурида тузилган расмий равишда тузиладиган комиссия ўтказади. Комиссия таркиби ва аттестацияни ўтказиш муддатлари таҳририят билан келишилиши керак. Таҳририят комиссиянинг айrim аъзолари иштирок этиши ва аттестация ўтказилиши муддатлари юзасидан эътиroz сабабларини асослаган ҳолда таклиф билдиришга ҳақлидир.

Комиссия аттестацияни аккредитация қилувчи орган тасдиқлаган дастурга мувофиқ ўтказади. Мухбирнинг касбий сифатлари ва лаёқатини тавсифлаш бўйича тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги эксперт хulosаси, шунингдек экспертиза ва аттестация жараённида олинган бошқа ахборотлар аттестация комиссиясининг қарор қабул қилиши учун асос ҳисобланади. Аттестация натижалари аттестация далолатномаси билан расмийлаштирилади.

14. Комиссия аттестация далолатномасини кўриб чиқиш натижалари асосида мухбирни аккредитация қилиш ёки аккредитация қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

15. Ижобий қарор чиқарилган тақдирда комиссия қарор қабул қилингандан кейин бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаси мухбирини аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиради ва беради.

16. Комиссия аккредитация қилинган мухбирга 2 йилгача муддатда амал қиласидиган аккредитация тўғрисида гувоҳнома беради.

Аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома вазирлик реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб амал қиласди.

17. Аккредитацияга тааллуқли барча хужжатлар (буюртманомалар, қарорлар, далолатномалар, аккредитация қилиш тўғрисидаги гувоҳнома ва шу кабилар) давлат тилида расмийлаштирилади.

18. Комиссия Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ёки мазкур Низом асосида журналистни аккредитация қилишни рад этиши мумкин. Комиссия бундай қарорнинг сабаблари тўғрисида уч кун муддатда оммавий ахборот воситаси таҳририятини ёзма шаклда хабардор қиласди.

19. Зарур ҳолларда вазирлик давлат ҳокимияти органлари хузурида вақтингчалик ёхуд доимий мухбирлик пунктлари ташкил этилиши мумкин.

IV. Аккредитация қилинган мухбирларнинг асосий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

20. Аккредитация қилинган мухбирлар касб фаолияти даврида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Мухбирни аккредитация қилган органлар уни мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан хабардор қиласди, стенограммалар, протоколлар ва бошқа ҳужжатлар билан таъминлайди.

21. Аккредитация мухбирнинг расмий шахслар ташрифлари давридаги тадбирларда бевосита қатнашишини кафолатламайди. Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатларнинг расмий шахслари ташрифлари вақтида мухбирларни маҳсус аккредитация қилиш тартиби қонун ҳужжатлари, шунингдек ушбу тадбирни тайёрлаш ва ўтказиш учун масъул хизматлар талабларига биноан белгиланади.

22. Аккредитация қилинган мухбир қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бўлажак мажлислар, кенгашлар ва бошқа тадбирлар тўғрисида олдиндан ахборот олиш;

аккредитация қилган органнинг бинолари (хоналари) ва обьектларига тегишли гувоҳнома (руҳсатнома) асосида, ушбу орган томонидан белгиланган тартибда кириш;

уни аккредитация қилган органлар томонидан ўтказиладиган мажлислар, йиғилишлар, брифинглар (матбуот конференциялари) ва бошқа тадбирларда қатнашиш, ёпиқ тадбир ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно;

аккредитация қилган органнинг масъул шахсларидан зарур ҳужжатлар ва материалларни сўраш ва олиш, кириш эркин бўлган тадбирларнинг ёзувлари билан танишиш ва улардан нусха олиш;

ёзувлардан, матнли материаллар тайёрлашда, аккредитация қилинган оммавий ахборот воситаларининг теле-, радиодастурларида фойдаланиш;

аудио-, видео- ёки киносуратга олиш, овоз ёзиш учун зарур бўлган техник аппаратлардан, шунингдек компьютер техникаси воситаларидан фақат аккредитация қилган органнинг фаолиятини ёритиш мақсадларида фойдаланиш.

23. Аккредитация қилинган мухбир қуйидагиларга мажбур:

аккредитация қилган органнинг биносида бўлишда унинг ички тартиб-қоидаларига ва ишларини ташкил этиш талабларига риоя қилиш;

ўзи иштирок этаётган тадбирларнинг ўтказилишига аралашмаслик (агар тадбир матбуот учун маҳсус ташкил этилмаган бўлса);

аккредитация қилган органнинг фаолияти тўғрисида холисона ахборот бериш;

маҳсус тадбирларни ўтказиш қоидаларига риоя қилиш;

давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа талабларни бажариш.

V. Мухбирнинг аккредитациясини тўхтатиши ва уни аккредитациядан маҳрум қилиш тартиби

24. Қуйидагилар аккредитациянинг тўхтатилиши учун асос ҳисобланади: мухбирнинг таҳририятдан ишдан бўшатилиши (ушбу ҳолда таҳририят бошқа вакилни аккредитация қилиш тўғрисидаги ариза билан аккредитация қилувчи органга мурожаат қилишга ҳақлидир);

мухбир вакили бўлган оммавий ахборот воситаси фаолиятининг тўхтатилиши;

таҳририят раҳбарияти томонидан мухбирни аккредитация қилган органнинг фаолиятини ёритишдан четлатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши (расмий билдиришнома асосида).

25. Мухбир:

ўзи таклиф этилган тадбирлар ўтказилиши тартибига аралашганда;

амалдаги қонун ҳужжатларини ва мазкур Низомни мунтазам равишда бузганда аккредитациядан маҳрум этилиши мумкин.

26. Мұхбирни аккредитациядан маҳрум этиш түғрисидаги қарор аккредитация қылған орган томонидан қабул қилинади. Қарор асосланған, ёзма шаклда расмийлаштирилған, оммавий ахборот воситалари түғрисидаги қонун ҳужжатлари билан далилланған бўлиши керак.

Аkkreditatsiya қылған орган аккредитациядан маҳрум қилинған мұхбирнинг таҳририятига қарор қабул қилинған вақтдан бошлаб беш кун муддатдан кечикмай расмий билдиришнома юборади. Бундай қарор кучга кирған вақтдан бошлаб аккредитация түғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва у таҳририят томонидан аккредитация қылған органга қайтарилиши керак.

VI. Янги муддатга аккредитация қилиш

27. Akkreditatsiya қилинған mұхbирni янги муддатга akkreditatsiya қiliш akkreditatsiya түғrisidagi гувоҳноманинг amal қiliш мудdati тугагандan кейin таҳririyat томонидан тақdim этилған буюртманома асосида ўтказилади.

28. Taҳririyat akkreditatsiya қiluvchi organga akkreditatsiya түғrisidagi гувоҳноманинг amal қiliш мудdati тугашidan bir oй oлдин буюртманомa бериши керак.

Янги муддатга akkreditatsiya қiliш akkreditatsiya қiliнған mұхbирnинг oлдинги akkreditatsiyasi давридаги бенуқсон фаолиятини ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилған тартибот бўйича amalga oширилиши мумкин.

VII. Техник ходимлар ва хизмат кўrsatuvchi ходимлар

29. Tarjimonlar, teleoperatordar, fotomuhbirlar, tele-, kino- va videoapparatlariga, aloқa воситаларига хизмат кўrsatuvchi mutahassislar taҳririyatlaring mұхbirlariga бириктирилған техник ходимlari бўлиши мумкин.

30. Akkreditatsiya қiliнған mұхbirlar техник ва хизmat kўrsatuvchi ходимlari ишга ёллаши мумкин.


Жалб этиладиган техник ходимlarning шахсий таркиbi akkreditatsiya қiluvchi organ bilan keliшилади. Уларга ўз фаолияtinи amalga oшиriшlari учун akkreditatsiya қiluvchi organ томонидан тегишли гувоҳномa берилади.

31. Akkreditatsiya қiliнған mұхbirlaring техник ва хизmat kўrsatuvchi ходимlari журналистлик фаолияti bilan shugullaniш taқiқlanadi.

VIII. Яқунловчи қoидалар

32. **Бандлик ва меҳнатмуносабатлари вазирлиги** ҳузуридаги akkreditatsiyani amalga oшиriш taribi bilan boғliқ nizoli masalalar pайдo bўlgan taқdirda manfaatdor томон қonun ҳужжатlariда belgilangan taribda улар юзасидan судга shikoят қiliши мумкин.

33. **Бандлик ва меҳнатмуносабатлари вазирлиги** ва оммavий aхborot воситалarining mұхbirlari mazkur Nizom hamda оммavий aхborot воситалari соҳасидаги қonun ҳужжатlari talablariiga riоя қiliishi учун жавоб beradilar.



**Бандлик ва меҳнатмуносабатлари вазирлиги хузурида
аккредитация қилиш тўғрисида
ГУВОҲНОМА**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI
VAZIRLIGI

(аккредитация киладиган органнинг номи)

№ _____

Ф.И.Ш. _____

(аккредитация килингган мухбир)

Номи _____

(оммавий ахборот воситаси)

Тарқатиш шакли _____

(газета, журнал ва бошқалар)

Тил (лар)и _____

Муассис (лар)и _____

Ихтисослашуви _____

Таҳририят манзили _____

Тарқатиш ҳудуди _____

Берилган санаси

Аkkreditatsiya қiluvchi organning raҳbari _____

Ушбу гувоҳнома «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунига мувофиқ берилган.

Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг
бузилиши Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ жиноий, маъмурий,
интизомий жавобгарликка ва бошқа жавобгарликка олиб келади.